



## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي يَقْبَلُ التَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِ وَيَعْفُو عَنِ السَّيِّئَاتِ وَالصَّلَاةَ وَالسَّلَامَ عَلَى رَسُولِهِ الَّذِي يُعْفُو وَيَصْفَحُ وَعَلَى آلِهِ  
وَأَصْحَابِهِ وَمَنْ تَبِعَهُمْ بِإِحْسَانٍ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ أَمَّا بَعْدُ

### КЕЧИРИМЛИК – МЎМИНГА ХОС

**Муҳтарам жамоат!** Маълумки, инсондаги улғу сифат ва фазилатлардан бири – бу кечиримли бўлишдир. Аллоҳ таоло инсонларнинг ташқи кўринишини гўзал қилиб яратган. Агар инсон сийрати ва ички дунёсини ҳам чиройли қилса, шунда у комиллик даражасига етиши мумкин. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг бир қанча ояти карималарида бандаларини бир-бирларининг хато камчиликлари ва айб-нуқсонларини кечириб буюрган. Жумладан:

وَإِنْ تَعْفُوا وَتَصْفَحُوا وَتَغْفِرُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ

яъни: “Агар сизлар афв этсангиз, коймасангиз ва кечирсангиз, у ҳолда, албатта, Аллоҳ (ҳам сизларга нисбатан) мағфиратли ва раҳмлидир” (Тағобун сураси 14-оят).

Демак, киши биродарини кечириб билан Аллоҳ таоло ҳам унинг гуноҳини кечиради экан.

Яна бир ояти каримада кечирган кимсага ажр бериш Аллоҳ таолонинг зиммасида эканлиги баён қилинган:

فَمَنْ عَفَا وَأَصْلَحَ فَأَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ

яъни: “Бас, кимки афв этиб (ўртани) тузатса, бас, унинг мукофоти Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У золим (тажовузкор)ларни севмас” (Шўро сураси 40-оят).

Бошқа ояти каримада Аллоҳ таоло жаннатий бандаларини сифатларини баён қилиб шундай деган:

وَالكَافِرِينَ الْعَظِيمَ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

яъни: (Улар) ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар” (Оли Имрон сураси 134-оят).

Дарҳақиқат, турли-туман хулқ-атворли одамлар орасида яшар эканмиз, албатта, улардан бир қанча озор-азиятлар кўришимиз мумкин. Агар ҳар бир шундай кўнгилсизлик бизга қаттиқ таъсир этиб, ғамга ботириб қўяверса, шубҳасиз, бутун ҳаётимиз азобга айланади. Шу боис имкон қадар ён-атрофимиздагиларнинг хатолари, билиб-билмай етказган озорларига сабр қилиб, кечириб ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Шунда бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз зиёда бўлади.

Барча яхши хулқ ва сифатларни ўзларида мужассам қилган Зот – Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам кечиримли бўлиш фазилатида ҳам энг гўзал намуна эдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо онамиздан Пайғамбаримизнинг хулқлари ҳақида сўралганда шундай жавоб берганлар:

"أَمْ يَكُنْ فَاحِشًا وَلَا مُتَفَحِّشًا وَلَا صَحَابًا فِي الْأَسْوَاقِ، وَلَا يَجْزِي بِالسَّيِّئَةِ السَّيِّئَةَ، وَلَكِنْ يَعْفُو وَيَصْفَحُ"

(رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ وَالْإِمَامُ أَحْمَدُ عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا).

яъни: **“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам фаҳи ишларни қилувчи, фаҳи сўзларни сўзловчи ва бозорларда бақир-чақир қилиб юрувчи инсон эмасдилар. Ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтармас эдилар, балки афв этиб, кечириб юборар эдилар”** (Имом Термизий ва Имом Аҳмад ривоятлари).

Ислом тарихидан маълумки, Пайғамбарликларининг ўнинчи йиллари ўтиб ҳам курайшликлардан ижобий натижа чиқмагач, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайд ибн Ҳориса разияллоҳу анҳу ҳамроҳлигида Тоифга бордилар. У Зот шояд Тоифда дин ишлари юришиб кетса, деган умидда қабила оқсоқоллари билан учрашиб, уларни Исломга чақирдилар. Аммо улар унашмади. Аксинча, Пайғамбаримиз алайҳиссаломни масхара қилдилар. Бу ҳам етмагандай, ўзларининг эси паст, бебош болаларини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан кичқиришга, сўкиб, тош отишга юбордилар. Тоифликлар йўлнинг икки четида туриб, У Зот ўтаётганларида аёвсиз тошбўрон қилишди. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оёқлари қонади ва ғамгин бўлиб, қувватлари озлиги ва заифликларидан Аллоҳга илтижо қилдилар. Шунда Аллоҳ таоло У Зотнинг ҳузурларига фариштани юборди. У келиб, икки тоғни Тоиф аҳли устига бостириб, уларни ҳалок қилишга изн сўради. Лекин Аллоҳ таоло томонидан оламларга раҳмат этиб юборилган Зот мушриклардан энг шиддатли азиятни Тоиф халқидан кўрганларига қарамасдан, бу ишга изн бермадилар ва шундай дедилар:

بَلْ أَرَجُو أَنْ يُخْرِجَ اللَّهُ مِنْ أَصْلَابِهِمْ مَنْ يَعْبُدُ اللَّهَ وَحْدَهُ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا (رواه الإمام ابن خزيمة عن عائشة رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا)

яъни: **“Уларнинг сулбидан Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қиладиган, Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайдиган кишилар чиқишини умид қилурман”** (Имом Ибн Хузайма ривоятлари).

Демак, кечиримли бўлиш ва ғазабини ютишда барчаларимиз Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрнак олишимиз керак бўлади.

Киши ғазабини ютиб, биродарини кечирса, унга жаннатда хури ийнлар ваъда қилинган. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

"مَنْ كَظَمَ غَيْظًا وَهُوَ قَادِرٌ عَلَى أَنْ يُنْفِذَهُ، دَعَا اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ عَلَى رُؤُوسِ الْخَلَائِقِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَتَّى يُخَيِّرَهُ اللَّهُ مِنَ

الْحُورِ الْعِينِ مَا شَاءَ" (رواه الإمام الترمذي والإمام أبو داود عن معاذ بن أنس الجهني رضي الله عنه).

яъни: **“Кимки қодир бўла туриб, ғазабини ютса, Аллоҳ таоло Қиёмат кунни уни чақириб, бутун халойиқ олдидан шаҳло кўзли хурлардан хоҳлаганича олишга ихтиёр беради”** (Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривоятлари).

Одамларнинг хато ва камчиликларини кечиритиш – ғазабни ютишнинг давомидир. Яъни, ҳақиқий тақводор фақатгина ғазабини ютмайди, балки ана шу ғазабини қўзғабган одамдан ўч олишга кучи етса ҳам, уни кечиради.

Кечиримли бўлиш улкан савоб ва жаннатга кириш учун сабабдир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

"إِذَا كَانَ يَوْمُ الْقِيَامَةِ نَادَى مُنَادٍ يَقُولُ: أَيُّنَ الْعَافُونَ عَنِ النَّاسِ؟ هَلِمُوا إِلَى رَبِّكُمْ، وَخُذُوا أَجُورَكُمْ، وَحَقُّ عَلَى

كُلِّ امْرِئٍ مُسْلِمٍ إِذَا عَفَا أَنْ يَدْخُلَ الْجَنَّةَ" (رواه الإمام ابن مَرْدَوَيْهِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنهما).

яъни: **“Қиёмат кунни бўлганда бир жарчи нидо қилади: “Одамларга кечиримли бўлганлар қаерда? Парвардигорингизни ҳузурига келинлар ва савобингизни олинглар! Қайси бир мусулмон кечиримли бўлса, жаннатга киришликка ҳақлидир”**” (Имом Ибн Мурдавайх ривоятлари).

Динимизда ёмонликка доимо яхшилик билан жавоб қайтариш фазилатли амаллардан саналади. Албатта, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш фақат сабр тоқатли, икки дунёда ҳам улуғ насибага эга бўладиган кишиларнинг феълидир. Билиб билмай айб-нуқсон ва хато-камчиликларни қилган кишиларга бир имконият бериб, уларни кечиримиз – инсоний ва мусулмонлик бурчимиздир.

Маълумки, Ухуд жангида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олд тишлари синиб, юзлари қонга беланди, бу ҳолат асҳобларига жуда оғир ботди. Ҳатто айримлари: “Уларни дуойи бад қилсангиз-чи?” дейишгача борди. Шунда У Зот:

إِنَّ اللَّهَ لَمْ يَبْعَثْنِي طَعَانًا وَلَا لَعْنًا وَلَكِنْ بَعَثَنِي دَاعِيًا وَرَحْمَةً أَللَّهُمَّ اهْدِ قَوْمِي فَإِنَّهُمْ لَا يَعْلَمُونَ

(رواه الإمام البيهقي عن عبد الله بن عبيد بن عمير).

яъни: **“Мени Аллоҳ таоло лаънатловчи ва таъна қилувчи қилиб юбормади, балки яхшиликка чақирувчи ва оламларга раҳмат қилиб юборган. Эй Аллоҳ! Уларни тўғри йўлга бошла, албатта улар билмайдилар”**, – дедилар (Имом Байҳақий ривояти).

Афсуски, ҳозирда кундалик ҳаётда ўта қаттиққўл, мутакаббир инсонлар учраб туради. Улар бировларни айб-нуқсонларини, хато-камчиликларини қидириб, уларни ёмонлашни, танбеҳ беришни яхши кўрадилар. Ҳеч ким камчилик ва хатодан холи эмас. Инсоннинг олижаноблиги, иззату шарафи унинг кечиримлилигида намоён бўлиши билан бирга, бу унинг мартабаси янада зиёда бўлишига сабаб бўлади.

Ушбу ўринда яна бир нарсага эътибор қилиш зарур. Ҳар қандай зулм ёки тажовузкорлик Аллоҳ белгилаган чегаралардан ошмаслиги керак. Акс ҳолда ўч олинади. Бу ҳақда Оиша разияллоҳу анҳо онамиз шундай деганлар:

“مَا أَنْتَقِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِنَفْسِهِ إِلَّا أَنْ تُنْتَهَكَ حُرْمَةُ اللَّهِ فَيَنْتَقِمَ اللَّهُ بِهَا

(رواه الإمام البخاري عن عائشة رضي الله عنها).

яъни: **“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг ҳадларидан бирор ҳад оёқости қилинмагунча, Ўзлари учун ҳеч қачон ўч олмасдилар. Агар Аллоҳнинг ҳадларидан бирор нарса оёқости бўлса, инсонларнинг энг зааблисига айланар эдилар”** (Имом Бухорий ривоятлари).

Муқаддас ислом динимиз инсонларни кечиримли бўлишга тарғиб қилади. Чунки кечиримли бўлишда инсонлар учун кўп манфаатлар бор. Аввало, кечирган инсон ўзини енгил тортиб, Аллоҳдан бўладиган ажрга лойиқ бўлса, кечирилган инсон эса кечиргувчига нисбатан бўлган адовати кетиб, қалбида унга нисбатан илиқлик ва меҳр пайдо бўлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Юртбошимиз ташаббуслари билан охирги уч йил ичида байрам ва ҳайитлар арафасида турли хил жиноятларни қилиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган минглаб шахслар авф этилмоқдалар. Улар ўз оилалари бағрига қайтиб, қалбларида Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғулари пайдо бўлмоқда. Шу билан биргаликда авф этилганларни реабилитация қилиш, уларни жамиятга қўшиш ва иш билан таъминлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ўз навбатида авф этилган кимсалар ҳам кечиримни суистеъмол қилмаслиги ва шунга муносиб жавоб бериши шариатимиз талабидир.

2019 йилда “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари муваффақиятли амалга оширилди. Ана шу тадбирлар доирасида Яқин Шарқдаги қуроли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Алдов оқибатида ўзга юртга бориб қолиб, оғир ҳаётини даври бошидан ўтказган бу инсонларга ҳукуматимиз томонидан уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашишлари, таълим ва ижтимоий дастурларда иштирок этишлари учун

тиббий, моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди. Бошпана ва иш билан таъминлаш чоралари кўрилди.

***(Имом-хатиблар мавъизанинг мана шу ўрнида ушбу ислохотларни ўз сўзлари билан, жонли тарзда намозхонларга тушунтириб берадилар...).***

Жорий йилнинг 24 январь куни Юртбошимиз Парламентга қилган мурожаатномаларида кечирिश ва авф қилиш тўғрисида қуйидаги сўзларни айтдилар:

“Сизларга маълумки, кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат туфайли тўғри йўлдан адашган, билиб-билмай хатога қўл урган фуқароларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳам диний экстремистик йўлга кириб қолганидан чин дилдан пушаймон бўлган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, уларни жамиятга мослаштириш бўйича ишлар давом эттирилади”.

Аллоҳ таоло барчаларимизни кечиримли, сабрли ва хушмуомала бандаларидан айлаб, ўзгаларга нисбатан бағрикенг бўлишимизни насиб айласин!

**Ҳурматли азизлар!** Марузамизнинг фикҳий масалалар қисмини таҳоратда икки қўлни ювиш мавзусига боғлиқ баъзи ҳукмлар ҳақида суҳбатлашамиз.

➤ Таҳоратда икки қўлни тирсақлари билан қўшиб ювиш фарз ҳисобланади. Агар игнани учи миқдорича жойга сув етмай қолса, таҳорат дуруст бўлмайди.

➤ Агар тирноқ остига сув етиб боришига тўсқинлик қиладиган нарсалар бўлса, масалан, лой ёки хамир у ерга сув етказишга алоҳида эътибор бериш лозим.

➤ Агар қўл тирсақгача бўлган жойдан кесилган бўлса, қўлнинг қолган қисми ювилади. Агар тирсақдан кесилган бўлса, билак суягининг боши, яъни кесилган жойнинг ўзи ювилади.

➤ Агар қўлда ортиқча бармоқ ёки кафт бўлса, уларни ҳам ювиш фарз бўлади.

➤ Тирноққа бўёқ (лак) қўйилган бўлса, уни кўчириб ташламагунча таҳорат ва ғусл мукамал бўлмайди. Қўлга хина қўйишни таҳоратга зарари йўқ.

➤ Агар қўлдаги узук тор бўлса, унинг остига сув етказиш учун қимирлатиш фарз бўлади. Агар узук кенг бўлса, қимирлатиб қўйиш мустаҳабдир.

➤ Таҳоратдан кейин соч-соқол ёки тирноқ олинса, таҳорат қайта қилинмайди. (“Фатовой ҳиндийя” китобидан).

Аллоҳ таоло Ўзи буюрганидек ибодатларимизни адо этишга муваффақ этсин!

***Муҳтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси “АҚИДАДА АДАШМАЙЛИК” мавзусида бўлади.***